

БАНК ТИЗИМИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ЎРНИ

М.Р. Расулов

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Тел: 97-309-97-00

Аннотация: Мақолада банк тизимининг коррупцияга қарши комплаенс тизими тушунчаси, шакллари ва уларнинг коррупцияни олдини олишдаги ўрни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, улар томонидан амалга ошириладиган функциялар бирма-бир санаб ўтилган.

Калим сўзлар: банк сектори, коррупция, комплаенс назорат, халқаро стандарт, рискларни бошқариш.

Аннотация: В статье дается научно-теоретический анализ понятия, форм и роли системы антикоррупционного комплаенса банковской системы в предупреждении коррупции, последовательно перечисляются выполняемые ею функции.

Ключевые слова: банковский сектор, коррупция, комплаенс-контроль, международные стандарты, управление рисками.

Abstract: The article provides a scientific and theoretical analysis of the concept, forms, and role of the anti-corruption compliance system in the banking sector in preventing corruption, sequentially listing its functions.

Key words: Banking sector, corruption, compliance control, international standards, risk management.

Халқаро ҳамжамиятда “Комплаенс”, “комплаенс – назорат” тушунчалари – роилик, мувофиқлик ва аниқ белгиланган қоида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритиш деган маъноларни англатади.

Халқаро тажрибада “комплаенс – назорат” тизимининг бир неча шакллари мавжуд. Булар:

- Тибиёт;
- Давлат фуқаролик хизмати;
- Банк;
- Божхона соҳаси;
- Жиноий даромадларни легаллаштириш;
- Монополияга қарши кураш;
- Коррупцияга қарши кураш каби йўналишларда жорий этиладиган “комплаенс – назорат” ҳисобланади.

Илғор хорижий давлатлар тажрибасида кенг тарқалган шакллардан бири коррупцияга қарши “комплаенс – назорат” тизимидир[1].

“Комплаенс – назорат” тизимини ўзида жорий этган хорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Словения мисолида) тажрибаси ва халқаро компаниялар амалиёти асосида Коррупцияга қарши “комплаенс – назорат” хизматининг **3 хил** моделга ажратиш мумкин:

Коррупцияга қарши “compliance – мувофиқлик - назорат” тизимининг уч хил моделини тушунтирувчи кенг тарқалган расмий хорижий манбалардан бири бу OECDнинг “Порахўрликка қарши тавсиялари” ва OECDнинг “Чет эллик давлат амалдорларининг порахўрлигига қарши янада курашиш бўйича Кенгаши тавсиялари”нинг бир қисми сифатида чиқарилган йўриқномада ҳамда унга илова қилинган “Яхши амалиёт бўйича йўриқнома” (иккинчи иловаси) ҳисобланади[2].

Улар:

Ихтисослашган Коррупцияга қарши “комплаенс – назорат” хизмати модели”да Коррупцияга қарши “комплаенс – назорат” хизматининг асосий вазифаси компаниянинг фаолияти ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини хорижий давлатлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этиш ҳамда компания ёки ташкилотнинг халқаро доирадаги имиджини оширишга қаратилган бўлади;

Мослашган Коррупцияга қарши “комплаенс – назорат” хизмати модели”да асосан компания ва ташкилотнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати амалга оширилади ва мунтазам равишда фаолиятни турли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда хавф – хатарларни ўз вақтида аниқлаш каби ички профилактик чораларни татбиқ этишга қаратилган бўлади.

Аралаш модель, бунда Коррупцияга қарши “комплаенс – назорат” хизмати модели”нинг вазифаси компания ва ташкилотнинг миллий ва халқаро доирадаги нуфузини сақлаш, коррупция ҳолатлари содир этилишига қарши курашиш ва бу борадаги фаолиятни миллий қонунчилик ҳамда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ташкил этишдан иборатдир.

Мазкур моделларнинг ўзаро фарқли жиҳати, уларнинг ташкилот тизимида жорий этишдаги шакли, тартиби ҳамда ушбу тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Жумладан, биринчи моделда, коррупцияга қарши “комплаенс – назорат” тузилмаси ташкилотнинг коррупцияга қарши фаолияти ва умумий сиёсати ушбу соҳадаги халқаро тавсиялар, стандартлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этилади ҳамда ташкилотнинг айнан халқаро доирадаги имиджини оширишга хизмат қилади.

Иккинчи моделда, ташкилотда мазкур тизимнинг жорий этилишини миллий қонунчилик меъёрлари ёки коррупцияга қарши курашишга оид асосан ички

қоидалар билан тартибга солинади ҳамда жорий этишнинг минимал талаблари билан чекланади. Мазкур шаклда ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилмаган ва коррупциявий хавф – хатарларига мос келадиган қўшимча профилактик қоидаларни жорий этиш мумкин бўлади.

АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Словения каби мамлакатларда комплаенс тизими самарали ташкил этилган бўлиб, ташкилотлар ўз фаолиятларида коррупциявий хатарларни сезиларли даражада камайтирган.

Юртимизда ҳам коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари нафақат коррупцияни олдини олишда асосий рол ўйнабгина қолмай, балки коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлашда ҳам асосий рол ўйнаётганини қуйида келтирилган статистик маълумотлардан ҳам билиб олсак бўлади.

2022 йил якунлари бўйича ички назорат тузилмалари томонидан 66 та давлат ташкилотда ўтказилган ўрганиш натижасида 3101 та ҳолатда 592,4 млрд. сўмдан ортиқ молиявий қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган.

Молиявий хато ва камчиликларнинг 1,5 млрд сўми Қишлоқ хўжалиги, 23,1 млрд сўми Давлат божхона қўмитаси, 18,4 млрд сўми “Ўзкимёсаноат”, 19,2 млрд сўми “Ўзсувтаъминот” АЖ, 2,2 млрд сўми “Миллийбанк”, 1,3 млрд сўми “Халқбанки” АТБлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳиссасига тўғри келган.

2023 йилда эса 4 349 та ҳолатда 928,9 млрд сўмлик молиявий қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган[3].

Банк тизимида коррупцияга қарши ички назорат – бу банкнинг молиявий ва операцион хавфсизлигини таъминлаш, ходимлар ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашда муҳим воситадир. Ички аудит, рискларни бошқариш, коррупцияга қарши алоҳида хизмат ва ички тартиб-қоидалар орқали амалга ошириладиган назорат тизими банкларда коррупцияга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришишга ёрдам бермоқда.

Хусусан, банкларда коррупцияга қарши комплаенс тизими қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади:

Ички Аудит ва Хавфларни Бошқариш - банкнинг ички аудит хизмати молиявий операциялар, ҳужжатлаштириш ва ички процедураларнинг тўғри бажарилишини назорат қилади. Хавфларни бошқариш хизмати эса потенциал коррупсион хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни камайтириш чораларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Уларнинг мақсади – назорат самарадорлигини ошириш, бунда аудиторлар ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботлари, операцион жараёнлари ва ички сиёсатлари тўғри юритилишини таъминлаб боришади. Хавфларни бошқариш эса ташкилот фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар (операцион, молиявий, кибер, стратегик ва бошқалар) аниқланиб, уларнинг таъсири ва юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олишдан иборат ҳисобланади.

Иккала тузилманинг фаолияти натижасида олинган ҳисоботлар аниқланган заиф томонларни камайтириш, самарадорликни ошириш ва стратегик қарорларни қабул қилиш жараёнларини яхшилаш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Бунда асосий эътибор берилиши керак бўлган жиҳат шуки, ички аудит хизмати ташкилотнинг мустақил бўғини сифатида фаолият юритиши зарур[3]. У кўпинча банкнинг юқори раҳбарияти ёки кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит бўлинмаси томонидан назорат қилинади. Бундан ташқари тузилма ISO 37001:2016 стандарти[4] тавсиялари асосида ташкил этилган тизим ҳисобланиб, стандарт ички аудиторларнинг мустақиллиги, ҳолислигини кафолатлайди.

Хавфларни бошқариш хизмати банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд хавфларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнини амалга оширадиган корпоратив бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Тузилма кўпинча ички аудит хизмати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг функцияси ташкилотнинг барча таркибий бўлинмалари ва фаолият соҳаларида хавфларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Хавфларни баҳолаш жараёнида банклар одатда икки асосий усулдан фойдаланадилар:

Стратегик йўналишларни белгилаб олиш – хавфларнинг табиати, сабаблари ва потенциал оқибатлари аниқланади. Аниқланган хавфлар бўйича субъектив баҳолар (1 дан 100гача бўлган шкалада), экспертларнинг фикрлари асосида хавфларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Микдорий таҳлил – Хавфлар коэффитсиэнтлар, йўқотишларнинг тахминий ҳажми, эҳтимолий вазиятлар ва бошқа ўлчовлар ёрдамида микдорий баҳоланади. Ушбу усул хавфларни аниқроқ ўлчаш ва уларнинг ташкилотга таъсирини ҳисобга олишга имконини беради.

Коррупцияга алоҳида қарши ички назорат тузилмасини ташкил этишдаги асосий омил кадрлар масаласидир. Халқаро тажрибада мазкур фаолиятни амалга оширувчи мутахассис “комплаенс ходим” деб юритилади. Коррупцияга қарши кураш ички назорат тузилмаси ходими – ташкилотда ходимлар томонидан касбий одоб – ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилиши, хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг юзага келишини олдини олиш устидан назоратни амалга оширувчи ҳамда ташкилотда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш сиёсатини юритиш учун масъул бўлган ходим.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

Ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик олиб бориш.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Банк ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

Хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида банк ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

Банк тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш (*Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, ходимнинг бевосита раҳбарининг билдиргиси, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилган деб тахмин қилиш учун асос берадиган бошқа маълумотлар асос бўлади. Меҳнат меҳнат кодексининг 303 - моддаси*);

Раҳбар топшириғи ёки кенгаши қарори асосида мавжуд коррупциявий ҳолатлар юзасидан ходимлардан тушунтириш талаб қилиш;

Коррупцияга мойил бўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича раҳбар ёки кузатув кенгашига таклиф киритиш;

Банк раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Ўз фаолияти доирасида банк тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

Банк нинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

Банк томонидан ташкил этиладиган турли танлов комиссияларида (ишга қабул қилиш, давлат харидлари ва бошқа) кузатувчи сифатида иштирок этиш.

Банк тизимида юқорида кўрсатилган тузилмаларнинг тузилиши жаҳон молиявий оқимлари канали сифатида банклар томонидан амалга оширилган назорат шахсларнинг коррупциявий операцияларни амалга ошириш ёки коррупция йўли билан топилган даромадларини легаллаштириш имкониятларини чеклаши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан келиб чиқиб, банк соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатар тушунчалари, ушбу соҳада бевосита фаолият кўрсатувчи тузилмаларани билмасдан туриб соҳада коррупцияни олдини олишга доир чораларни амалга ошириб бўлмайди.

Чунки, касалга аниқ ташхис қўймасдан уни олдини олиб бўлмайди ёки кўр-кўрона амалга оширилган чоралар ортиқча ресурс сарфланишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб банк секторида коррупция деб - банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар (пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб етиш, тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб етилган маблағлар ҳисобидан бериш, чет ел валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар, жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш..) фаолиятида юзага келадиган, банк ходимларининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, мансаб лавозимини суистеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим етиш, ўтказиш ҳисобланади.

Банк соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар деб эса – банк фаолиятида юзага келадиган, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш имкониятини яратадиган сабаблар, шароитлар, ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатларга айтилади.

Хулоса қилиб айтганда соҳада коррупциявий омилларни бартараф этиш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатини белгилаб берувчи асосий бўғин бўлган банклар фаолиятини яхшилашга хизмат қилади.

Зеро, банклар орқали амалга ошириладиган молиявий операциялар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун “қон-томир”дек зарур эканлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

[1] “New Compliance Counsel Expert Retained by the DOJ Fraud Section,” US Department of Justice, November 2, 2015. Электрон манба. URL: <https://www.justice.gov/criminal-fraud/file/790236/download>

[2] OECD Anti-Bribery Recommendation. Электрон манба. URL: <https://www.oecd.org/en/topics/fighting-foreign-bribery.html>

[3] Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳисоботи. Электрон манба. URL: <https://anticorruption.uz/oz/korrupsiyaning-oldini-olish-va-komplayens-nazorat-tizimini-joriy-etish-boshqarmasi-togrisida>

[4] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (07.05.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3302). Электрон манба. URL: <https://lex.uz/docs/-5431666#-5434479>

[5] Электрон манба. URL: <https://www.iso.org/standard/65034.html>